



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2005 йил 1 октябрь, шанба

№ 79 (11.778)

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Кадрли устозлар, муҳтарам муаллимлар! Аввало, сиз, азизларни умумхалқ байрами – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзининг эзгу ва самимий тилакларини изхор этишдан бахтиёрман.

Дунёда касблар кўп, ҳар бирининг ҳаётда ўз ўрни, ўз аҳамияти бор. Лекин улар орасида шундай бир улук касб борки, бошқа барча касблар унинг негизида шаклланади ва тарқайди. Бу олижаноб касбнинг номи ўқитувчилик, мураббийликдир.

Табииий, устоз, муаллим деганда, ҳар қайси инсон кўнглида чуқур ҳурмат-эҳтиром ва чекиз миннатдорлик туйғулари, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб, адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам эзгулик бунёдкори бўлиши сиз, муҳтарам ўқитувчи ва мураббийларимизни ҳар қанча улуғлаб, шаънингизга ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди. Азиз дўстлар!

Юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, фарзандларимизнинг биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишини кўриш – барча ота-оналар қатори мен учун ҳам бутун фаолиятим, керак бўлса, бутун ҳаётимнинг маъно-маъмунига айланган буюк орзу, буюк мақсаддир.

Ана шу юксак мақсад йўлида бугунги кунда дунёда кенг эътироф этилаётган кадрлар тайёрлаш ва мактаб таълими соҳасидаги умумий миллий дастурларимизни амалга оширишда мен аввало бор сизларни – фидойи ва заҳматқаш инсонларни ўзининг энг яқин маслаҳодчиларини, бу борадаги таянчим ва суянчим деб биламан.

Бугун биз замонавий асосда билим олиб, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида Ватанимизга содиқ фарзанд бўлиб тарбия топаётган, ёшлик шижоати ва истеъдоди билан Ўзбекистон шўхратини дунёга тараннум этаётган минг-миглаб ўғил-қизларимиз тим-соллида сизлар билан биргаликда амалга ошираётган ана шундай улкан ишларимизнинг ҳосили ва самарасини кўраемиз.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳар қандай одамнинг ҳам ҳавасини уйғотадиган юзлаб мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, янги олий ўқув юрталари барпо этилаётгани, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жаҳон андозларига

мос ўқув воситалари билан жиҳозлаш, таълим соҳаси ходимларининг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, доимий эътибор марказимизда бўлиб келаётгани барчангизга яхши маълум.

Бу йўлда давлатимиз, халқимиз бундан буюн ҳам ҳеч нарсани аямайди, бор куч ва имкониятларини шу олижаноб ишга сафарбар этади.

Албатта, бундай шарт-шароитлар ўз йўли билан, лекин биз учун энг муҳим, айтиш мумкин, ҳал қилувчи масала – бу ана шундай билим масканларида қимлар дарс бераётгани, фарзандларимизнинг тақдирини ва келажагини ишониб топширилган ўқитувчиларнинг касб маҳорати, билим ва тажрибаси, масъулияти ва фидойилиги билан боғлиқ эканини ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Бошқача айтганда, бугунги кун ўқитувчиси ўз устида тинимсиз ишлайдиган, ҳар томонлама кенг фикрлайдиган, илгор педагогик ва ахборот технологияларини самарали қўлай оладиган ижодкор шахсга, ёшларнинг юрагига чуқур кириб борадиган юксак фазилатлар эгасига айланишини ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Айниқса, бутун дунёда инсон қалби ва онги учун кескин кураш кечаётган, тинч-осойишта ҳаётимизга қарши турли таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизни бегона ва зарарли ғоялар таъсиридан сақлаш, уларни иродаси бақувват, хушёр ва сезгир, ўз халқи, ўз юртига садоқатли инсонлар этиб тарбиялаш вазифаси ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўз ҳаётини, бутун борлигини шу эзгу ишга бағишлаган сиз, фидойи муаллим ва мураббийларимиз бу вазифани албатта шараф билан адо этасизлар, деб ишонч билдиришга ҳамма асосларимиз бор.

Сизларни қўллуғ байрамингиз билан яна бир бор муборакбод этар эканман, барчангизга сийҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.

Фарзандларингиз, шогирдларингизнинг қамолтини берсин, уларнинг бахту саодатини кўриш насиб этсин, азиз устозлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

Бугун – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни



СИЗ БОИС ДУНЁНИНГ КЎЗЛАРИ РАВШАН

Ҳар биримиз кўлимизга илк дафъа қалам тутқазиб, ҳарф ўргатган, ахлоқ-одоб тамойилларини онгимизга сингдирган, бу дунёда яшаш ва камол топиш ғояларини қалбларимизга жо қилган устозларимиз – ўқитувчиларимизга бир умр таъзимда ўтамиз. Халқимизнинг устоз қўрмаган шогирд ҳақида жуда ўрнили мақоли бор. Шаҳх камолотида, унинг юриш-туриши, ахлоқ-одоби, ўзаро ва ижтимоий ҳаётдаги муносабатларда муомала маданиятини шакллантиришда устозларнинг хизмати бир умрликдир.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАЛАЙЗИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Малайзия Қироли Туанку Сайид Сирожуддин Жамалуллайнинг тақлифига биноан 2-4 октябрь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф давомидида музокаралар чоғида икки давлат раҳбарлари ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини ҳамда томонларни қизиқтирган долзарб халқаро ва минтақавий муаммоларни муҳокама қилдилар.

Музокара якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

AUTOMOTORSHOWGA ҚИЗИҚИШ КАТТА

Пойтахтдаги «Ўзэкспо-марказ»да AutoMotorShow Uzbekistan 2005» 2-халқаро автомобиль кўргазмаси очилди. Уни ITE Group Plc (Буюк Британия) халқаро кўргазма компанияси ва ITE Uzbekistan компанияси «Тошшаҳарйўловчитранс» акционерлик компанияси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси кўмағида ташкил этди.

Кўргазмада Германия, Исроил, Польша, Россия, Туркия, Украина, Финляндия каби мамлакатлардан 30 дан ортиқ компания ҳамда Ўзбекистоннинг қатор компаниялари иштирок этмоқда.

Кўргазманинг кўплаб бўлимлари бу ерга келганлар эътиборини жалб қилмоқда. Бу автомобиллар, автобуслар, автомобиль тўнинг, тиркама ва мосламалар, двигателлар, қўриқлаш тизимлари, аккумулятор батареялари ва заряд қилиш мосламалари, шиналар, резина-техника ашёлари, автомобильларга ёнилги қуйиш шохобчалари учун ускуналар, эҳтиёт ва бутловчи қисмлар, лак-бўёқ материаллари ва бошқа маҳсулотлардир.

Кўргазма доирасида «Европа подшпикник корпорацияси – Россия подшпикник бозори пешкадами Ўзбекистонда» мавзuida семинар ўтказилмоқда. Семинар Европа подшпикник корпорацияси томонидан ташкил этилган.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.

«Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-навли прокат цехида технологик асбоб-ускуналарни режа асосида мукаммал таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

ЦЕХ ТАЪМИРДАН ЧИҚАРИЛДИ

Механика ва моддий-техника таъминоти бўлимлари эҳтиёт қисмларни ўз вақтида тайёрлади, зарур бўлганлари четдан келтирилди. Бунда «Бекободөтмамбир» корхонасининг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

Цехдаги асбоб-ускуналарни соzлашда 450 нафардан кўпроқ ишчи қатнашди. Металлургия печларини қайта тиклаш ва металлургия асбоб-ускуналарини таъмирлаш цехлари зиммаларидаги вазифаларини муваффақиятли бажардилар. «Сантехмонтаж», «Вита-Вик», «Меттаъмирлаш» корхоналарининг вақиллари ҳам яхши меҳнат қилдилар. Шу кунларда цехда маҳсулот узлуksиз ишлаб чиқарилмоқда.

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

«Обуна – 2006»

МАСЪУЛИЯТЛИ МАВСУМ

Вақтли нашрларга келгуси йил учун обуна ишлари Оҳангарон шаҳрида ҳам уюшқоқлик билан бошланди.

Шаҳар ҳокимининг 2005 йил 3 сентябрдаги «2006 йилги газета ва журналларга обунани ташкил этиш ва мавсумни муваффақиятли ўтказиш тўғрисида»ги фармойиши ижросига шаҳардаги мавжуд 50 дан зиёд корхона, ташкилот, муассаса, шунингдек, тadbirkorлик субъектлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари масъулият билан ёндошмоқда. Жумладан, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарининг ўзига обуна сони жами 1050 та режалаштирилган.

— Бундан ташқари, шаҳардаги ҳам даромадли оилалар, фахрийлардан иборат 40 киши ҳомий корхоналар томонидан вилоятимиз газетасига обуна қилинадилар, — дейди шаҳар ҳокимининг иқтисодий-ижтимоий масалалар бўйича бош мутахассиси Баҳодир Эшонқулов. — Бу албатта, кўп йиллардан буюн давом этиб келаётган жараён. Мақсад — давлатимиз илгари суриб келаётган бош масала — инсон манфаатларини фаоллаштириш.

Дарҳақиқат, обуна ишларининг бориши ҳокимликнинг ҳафталик йиғилишларида таҳлил этилиб, навбатдаги вазифалар белгилаб бориладилар. **Мунаввара ИСОКУЛОВА.**

МУКОФОТ МУБОРАК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимига алоҳида ўрнэк кўрсатган ходимлардан бир

гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига биноан бир қанча юртдошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

- «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» **Ибрагимова Фарид** – Чиноз туманидаги 2-мактаб директори
- «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан **Жўраев Усмон Топшўлатович** – Бука туманидаги 8-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси
- «Меҳнат шўхрати» ордени билан **Мустафоқулов Улугбек Эрназарович** – Янгийўл туманидаги 26-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси

- II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан **Пардабоев Турсунбой Зиёбоевич** – Қибрай туманидаги 11-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

- «Дўстлик» ордени билан **Аринова Махбурат Дилмуродовна** – Уртачирчиқ туманидаги 64-мактабнинг крзоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

- «Шўхрат» медалли билан **Гадейбоева Тўтинисо Абдуллаевна** – Бекобод шаҳридаги 2-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси

- Дўсматова Нафиса Тожибоевна – Паркент туманидаги 10-мактабнинг француз тили фани ўқитувчиси
- Корбаева Гулнора Турсуновна – Ангрэн шаҳридаги 43-мактаб директори

- Мальцева Татьяна Петровна – Оҳангарон шаҳридаги 4-мактаб директорининг ўринбосари
- Махмудова Мавлуда Абдусатторовна – Пскент туманидаги 1-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси
- Мустафоқулова Покиза Илашовна – Қуйичирчиқ туманидаги 5-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси
- Норжигитова Каромат Каршибаевна – Оққўрғон туманидаги 16-мактабнинг география фани ўқитувчиси.

ТЕРИМЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, УзЛиДеП вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган тарғибот-ташвиқот гуруҳи вилоятимиз пахта далаларида бўлиб, теримда иштирок этаётган ёшлар маданий ҳордиқ олишларини ташкил этиш мақсадида бир қатор маънавий-маърифий ҳамда маданий тadbirlar уюштирмоқда.

Шундай тadbirlардан бири Чиноз туманидаги «Янгиобод» ёрдамчи хўжалигида бўлиб ўтди. Унда халқимизнинг сеvimли санъаткорлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этидилар. Тadbирда таниқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимованинг чиқишлари, ёш эстрада хонандаси Раъно Қосимова ижро этган кўшиқлар кўпчиликка манзур бўлди.

Шунингдек, тadbир доирасида энг илгор теримчилар сифатида эътироф этилган Юлдуз Жумадуллаева, Наргиза Шамсиева, Йигитали Қўшимов сингари ёшлар ташкилотчиларининг эсдалик совғалари билан тақдирланди. **Амрулло КАРИМОВ.**



Таъбир жоиз бўлса, об-ҳаво ҳозирча дехқонга қайишяпти. Анча вақтдан бери сақланиб турган ёғинсиз, илик-иссиқ кунларнинг қадрига етаётган қатор туман ва хўжалик пахтакорлари йнғим-теримни бир дақиқа ҳам сусайтирмай, бор ҳосилни тезроқ саранжомлаб олиш учун бутун куч ва имкониятларини ишга солимоқдалар, бу билан вилоятнинг 275 миң тонналик умумий хирмони жадал сурьат билан юксалишига баракали ҳисса қўшмоқдалар.

Мана, бир неча кундири, вилоятда терим сурьати йиллик режага нисбатан 4 фоздан пастрта тушмапти. Кейинги кунгача тайёрланган хом ашё 148 миң 256 тоннага етди. Бу йиллик режага нисбатан 53,91 фозга тенгдир. Ҳар йили терим мавсумида оқсаб келадиган Қуйичирчиқ тумани бу йил кунлик сурьатда ҳам, шу кунгача тайёрланган умумий хом ашё микдори бўйича ҳам пешқадамлар сафига борапти. Масалан, кечяги кунга йиллик режа 60,98 фоз бажарилди. Бу вилоятда иккинчи кўрсаткичдир.

ХИРМОНГА БАРАКА КИРИТАЁТГАНЛАР

Ҳақида сўз борганда кунига йиллик режанинг 4-5 фозини микдориде хом ашё териб топшираётган Юқоричирчиқ, Чиноз, Қуйичирчиқ, Оққўрғон, Бекобод туманларини тилга олиш мумкин.

тақаси ҳисобланган Юқоричирчиқ тумани кунлик сурьатда 5 фозини маррадан ошганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Йнғим-терим билан боғлиқ асосий тadbirlар оқилона уюштирилиб, айниқса, ички имкониятлардан тўла ва самарали фойдаланишга эришяётган хўжаликлар бирин-кетин шартнома мажбуриятларини бажармоқда. Хусусан, Уртачирчиқ туманидаги Охунбобоев номи ширкат хўжалиги пахтакорлари кунни кеча дастлабки доводдан ошдилар. 1131 гектар майдондан хозиргача 2962 тоннадан зиёд ҳосил йиғиштириб олинди, режа

25 кунда адо этилди. Хўжалиқнинг Тўлқин Ниёзов, Хусан Кўнғиротбоев каби тажрибали оилавий пудратчилари шартнома мажбуриятларини 134:142 фоз қилиб бажардилар. Бунда мавсум бошидан буюн умумий хирмонга 3,5-4 тоннадан пахта тўққан Маъсуда Абдуллаева, Санобар Ёқубова, Насиба Усмонова сингари илгор теримчилар қўшган ҳисса, айниқса, салмоқли бўлди. Шуниси диққатга сазоворки, хўжалик ўзининг 8 та 14ХВ-2/4 русумли терим машинасига эга. Уларнинг қувватидан умумий фойдаланилди. Шу кунгача 775 тонна ёки



Йиллик режанинг 26 фозини микдоридеги ҳосил ана шу машиналарда йиғиштириб олинди. Эрали Тожиқулов, Йўлдош Тожиматов каби механик-хайдовчилар хозиргача 84-100 тоннадан пахта теришга эришдилар. — Терим мавсумини сентябрь ойидаёқ якунлаш хўжалик учун икки томонлама фойдалидир, — дейди бошқарув раиси Қурбонали Жўраев. — Аввало, пахтакорларимиз ёз бўйи қилган машаққатли меҳнатларининг пировард натижасини қўриб, роҳатлансалар, иккинчидан, тез ва сифатли терилган хом ашё юқори навларга топширилиб, яхши даромад олиш-

«Пахта – 2005»

ларидан янада хурсанд бўладилар. Утган йили пахтадан 57,3 миллион сўм соф фойда олган эдик. Бу йилги даромадимиз янада салмоқли бўлишига шубҳа йўқ.

Абдусамат ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: хўжалик механизатори Абдулхай Исроилов; пудратчи Хури Ахронова (ундан) бош иқтисодчи Шўхрат Кенжаев ва ишчи Элдор Тулағановлар ҳосил чўғидан мамнун. **Даврон АХМАД,**
Хусанбой АВВАЛОВ
олган суратлар.

ЙИГИТЛАР ХИЗМАТГА ЙЎЛ ОЛМОҚДА

Айни кунларда мамлакатимиздаги барча чақирув-ийгин пунктларида миллий армиямиз сафини тўлдирадиган чақирилувчиларни саралаш ишлари қизгин давом этмоқда.

Тошкент вилояти мудо-фаа ишлари бошқармаси чақирув-ийгин пунктда ҳам кузги чақирув билан боғлиқ барча тайёргарлик ишлари Президентимизнинг шу йил 2 сентябрдаги «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшат-тиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари-га навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарори асоси-да ташкил этилган.

ҳарбий қисм ва бўлинма-ларга кузатамиз. — Синовлардан яхши ўтдим. Энди хизматга жўнаيمان, — дейди пар-кентлик Отабек Жалолов. — Йигитлик бурчимни чегара қўшинларида ўтайман. Ҳар-бийлар иштирокида бўлиб ўтган суҳбат ва учрашув-ларда, чегарачи сергак, мустақил фикрлайдиган, масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук бўлиши зарурлигини тушу-ниб өтдим.

— Конституциямизда Ва-танга хизмат қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи экан-ни қайд этилган, — дейди Покент туман мудофаа иш-лари бўлимидаги чақирилган Бекзод Қўрғонов. — Ана шу бурчини ўташ учун, Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган ҳарбийлар қато-рига қўшилиш насиб этган-дан хурсандман.

Х. САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.

Тадбир

ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ КУНИ

«Экосан» халқаро ташкилоти, «Ўзбектуризм» миллий компанияси «Экосан-тур» халқаро экологик туризм маркази, Евразия фонди кўмағида маҳаллий аҳолининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини жадаллаштириш, табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш муҳимлигини инobatга олиб ва Халқаро туризм куни муносабати билан халқаро Тошкент туристик ярмаркаси доирасида «Экотуризм ва барқарор ривожланиш» шиори ostида экологик туризм кунини ўтказди.

«Ўзкўргазмасавдо» худ-дида уюштирилган бу тад-бир доирасида экотурист-ик кўргазма ташкил этилди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларида экоту-ризм билан шуғулланаёт-ган ташкилотлар қатнашиб, ўз салоҳиятларини намой-иш этдилар.

анжуманда Ўзбекистоннинг экологик туризм бўйича имкониятлари ва шу асос-да юртимизга саёхатчилар оқимини кенгайтиришга қаратилган маҳаллий дас-турлар ва лойиҳаларни иш-лаб чиқиш ва уларни амал-га оширишга инвестиция-ларни жалб этиш бўйича халқаро ҳамкорликни ку-чайтириш масалалари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда экологик тури-змни ривожлантиришда яхши самарага эришяётган айрим қўриқхона ва мил-лий боғлар қаторида вило-ятимиздаги Уғом-Чотқол миллий боғи ҳам «Экосан» халқаро ташкилотнинг дипломи билан тақдирлан-ди.

Ўз мухбиримиз.

Дехли университетиде тақдимот

Ҳиндистон пойтахтида жойлашган Дехли университети қошидаги Иқтисодиёт мактабиде глобал микёсдаги тадбиркорлик имкониятлари мавзусига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. Ушбу тадбир доирасида Ўзбекистоннинг тадбиркорлик имкониятлари тақдими ҳам ўтказилди.

Тақдимотнинг кўп сонли иштирокчиларига мамлакатимиз салоҳияти, бой табиий ресурслари, олиб борилаётган оқилонга иқтисодий сиё-сат, хорижлик сармоядорлар ҳамда тадбиркор-лик учун яратилган қулай шарт-шароит ва имти-ёзларнинг ҳуқуқий асослари ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг Дехлидаги элчихонаси вакиллари томонидан мамлакатимиз-да мустақил ривожланиш йиллари давомида қўлга киритилган улкан ютуқ-муваффақиятлар, хусусан, иқтисодиёт соҳасидаги юксалишлар аниқ-равшан далил ва рақамлар асосида тад-бир қатнашчилари эътиборига ҳавола этилди.

Тақдимотда хорижлик ҳамкор компаниялар-нинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги иштирокига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон-Ҳиндис-тон иқтисодий ҳамкорлиги қўламлигини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар, шубҳа-сиз, мулоқотнинг бош мавзуси бўлди.

— Халқаро иқтисодий муносабатлар хусусида сўз кетганда, талабаларимиз катта қизиқиш бил-дирадиган мамлакатлар орасида Ўзбекистон ҳам бор, — дейди Дехли университети савдо ва биз-нес факультети декани, профессор Жаваҳар Лалл. — Бизни қувонтирган жиҳати шу бўлдики, ушбу анжуманда талабаларимиз бугунги Ўзбе-кистон, унинг салоҳияти ва ҳамкорлик имкони-ятлари тўғрисида жуда кўп маълумотларга эга бўлишди.

Садриддин СУЯРОВ,
«Жаҳон» АА.

Бугун – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

СИЗ БОИС ДУНЁНИНГ КЎЗЛАРИ РАВШАН

Ўзбекистон миллий муста-қилликка эришгач, мамлака-тимизда баркамол инсонни тарбиялаш, халқ таълимини ривожлантириш борасида жуда катта ўзгаришлар руй бермоқда. Халқимизнинг аза-лий таълим анъаналари за-монавий педагогик техноло-гиялар билан уйғунлашган ҳолда ўқиш-ўқитиш, ёш ав-лод тарбияси давлат сиёса-тининг устувор йўналишига айланди. Халқ таълими соҳа-сида амалга оширилаётган чуккур ислохотлар бу жараён-ларни тезлаштириб, унга бе-қиёс самарадорлик бағишла-моқда. Ўзбекистон Республи-касининг «Таълим тўғриси-да»ги Қонуни, «Кадрлар тай-ёрлаш миллий дастури» таъ-лим-тарбия жараёнларини ривожлантириш, уни мазму-нан бойитиш, янгиланаётган жаҳмиётнинг ватанпарвар, бил-лимли, маданиятли, ишбил-ирмон навқирон авлодини тарбиялашга кенг қамров ба-ғишлаётди.

Таълим соҳасидаги исло-хотлар ўқитувчи сиймосига алоҳида эътибор кўрсатиб, устозларнинг жаҳмиётдаги мавқенин мустаҳкамламоқда. Бугун шунч мамнуният билан қайд қилишимиз мумкинки, вилотимизда ҳар уч ўқитув-чининг бири ўз малакаси, ишдаги жонқурлиги, таълим-тарбия соҳасида намойён

(Давоми. Боши 1-бетда).

этактан салоҳиятига кўра қўшимча ҳақ олиб турибди. Ўқитувчиларнинг маиший тур-мушини яхшилаш, касбий са-виясини ошириш, ижтимоий фаоллигини кучайтириш чо-ралари кўриляётди. Буни ўқитувчиларнинг методик ма-лакасини такомиллаштириш, улар орттирган энг яхши таж-рибаларни оммалаштириш борасидаги ишлар ҳам тас-диқлаб турибди. Вилотимиз шаҳар ва туманларидаги бар-ча мактабларда фанлар бўй-ича методик хизмат бўлими муттасил яхшиланиб бораёт-ганлиги ўқитувчиларга кўрса-тиляётган ғамхўрликнинг му-ҳим кўринишидир. Қўрай ва Бўстонлик туманларида уз-луксиз методик хизмат кўрса-тиш тизимини яхшилаш бор-асида ўтланган тажрибалар айниқса ибратли. Вилот халқ таълими бошқармаси уларни чуккур ўрганиб, умум-лаштириди ва барча ўқитув-чиларнинг мулкига айлантириш чора-тадбирларини белгила-ди. Тошкент тумани халқ таъ-лими бўлими эса, ўқитувчи-ларга услубий хизмат кўрса-тиш жамоатчилик марказини ташкил қилиб, уларнинг ма-лакасини ошириш масалала-ри билан изчил шуғулламоқ-да. Бу ўқув йилида Қўрай, Ўртачирчиқ, Оққўрғон, Чиноз, Бўка ва Покент туманларида ҳам шундай жамоатчилик марказлари иш бошлагани-ги бу тажрибанинг амалий

аҳамиятидан далолат, албат-та.

Ёш авлодга пухта билим бериш, уларни мустақил юр-тимизнинг муносиб фарзанд-лари қилиб тарбиялашда Ан-грен, Олмалик, Чирчиқ шаҳар-лари, Ўртачирчиқ ва Оханга-рон туманлари умумтаълим мактаблари ўқитувчилари иб-ратли тажриба орттирмоқда-лар. Улар фанларнинг ўқувчи-лар томонидан давлат таълим стандартларида белгиланган минимумлар даражасида ўзлаштирилишининг умумий самарадорлиги 77-80 фоизни ташкил этишига эришяётир-лар. Умуман вилотда фанлар-ни ўзлаштириш даражаси ке-йинги йилларда 1,5-2 фоиз кўтарилди. Кўпгина мактаб-ларда ўқитувчилар фанлар бўй-ича тест банклари ташкил этиб, ўз фанлари ўқувчилар томонидан пухта ўзлашти-рилишига аришяётирлиб. Акса-рият мактабларда янги педа-гогик технологияларни татби-қ этиш борасидаги илғор таж-рибалар умумлаштирилиб, барча ўқитувчилар томонидан ўзлаштириб олинишига алоҳи-да ғамхўрлик кўрсатиляётди. Дарс жараёнларида компю-тердан унумли фойдаланиш, машғулотларни ноанъанавий усулларда ташкил этиб, ўғил-қизларимизга пухта билим бериш борасидаги изланиш-лар ҳам самарали бўляётир.

Жўрабек МУРОДОВ.

ЭҲТИРОМ

Ўзбек миллий академик театрида вилотнинг бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент вилояти ҳоким-лиги, вилот халқ таълими бошқармаси хо-димлари, фахрий ўқитувчи ва мураббийлар иштирок этишди. Байрам қатнашчиларини вилот ҳокими ўринбосари Абдуҳамид Йўлдо-шев қутлаб, кўп йиллик самарали меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ ўқитувчиларни ҳоким қарорига асосан фахрий ёрлиқлар билан тақдирлади.

Халқ таълими, касб-ҳунар ва ўрта-мах-сус таълим аълочиларига кўкрак нишонла-ри топширилди. Шунингдек, «Энг ораста кийинган ўқитувчилар жамоаси» кўрик-тан-лови ғолиби — Зангиотадаги 9-мактаб жа-моасига махсус мукофот, бир гуруҳ ҳомий-ларга «Таълим ҳомийси» кўкрак нишони, таълим ва фан ходимлари қасаба уюшма-си вилот кўмитасининг фахрий ёрлиқлари тақдим этилди.



СУРАТДА: мукофот топшириш пайти.



СУРАТДА: (чапдан ўнга) Бўка тумани 12-мактаб ўқитувчиси Гулчеҳ-ра Эшбоева, Зангиота тумани халқ таълими бўлими мутахассиси, халқ таълими аълочиси Дилфуза Шарипова, Қўрай тумани маиший бўлими хизмат коллежи ҳуқуқ фани ўқитувчиси, «Касб-ҳунар таълими аълочиси» Феру-за Узоқова.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Нишондорларимиз

ИРОДА

Ўзбекистон мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида эл-юрт олдидаги муносиб хизматлари учун давлат мукофотларига сазовор бўлганлар қаторида Ўртачирчиқ туманидаги 124-мактаб-интернат директорининг ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Баҳодир Эшонқулов ҳам бор.

Тумanning «Дўстлик» жамоа ҳўжалиги Авангард кўрғониде жойлашган мактаб-интернати-га кириб борар эканмиз, сар-ранжом, тоза, озода ҳовлида очилиб ётган ранг-баранг гул-лар, халқ таълими ислохотла-ри талаблари асосида жиҳоз-ланган ҳашаматли мактаб-фойеси диққатимизни тортиди. — Келинлар, хуш кўрдик, — деди Баҳодиржон.

Баҳодир Эшонқуловнинг ҳаёт дафтаридан айрим сатр-ларни келтиришни лозим топ-дик. Зеро, шуҳрат эгаси бўлишининг ўзи бўлмайди.

Ота-онаси шу қишлоқ фар-зандлари, умр бўйи далада ишлаган, отаси 53 йил сув-чилик қилиб, 7 нафар фар-зандни боқиб катта қилишган, уларнинг ҳаётда ўз ўринлари-ни топиб олишлари, эл-юрт хизматига қамарбаста инсон-лар бўлишларини астойдил оруз қилишган экан.

— Менин оғзим меймор бўлиш эди. Туманимиздаги 65-ўрта мактабни аъло баҳо-ларга тугатганман. Тақдир тақозоси билан Москвага ҳар-бий хизмат мен учун ата-ган синовлари бор экан, ҳар-ган хизматдан ногирон бўлиб қайтдим. Энди мен учун яшашнинг қизғини қолмагандек эди... Лекин ирода кучи оғир кунларимда таянч, юпанч бўлди. Чап қўлимда ёзишни ўргандим. Бахтимни ўқитувчи-лик касбидан, мана шу табар-рук даргоҳдан топдим.

Ҳа, аслида, мактаб ўқувчи-лари билан рисоладагидек иш-лашининг ўзига яраша машак-катлари бор. Ақлий фаолият

масаласида муаммоси бор бўлган ўқувчилар билан ишлаш эса кишидан метин ирода, буюк қалб эгаси бўлишни та-лаб этади. Мактаб-интернатда ўқиб, тарбияланаётган 140 на-фар ўқувчи — 100 нафари ўғил, 40 нафар қиз боланинг ақл жи-ҳатдан муаммолари етарли. Лекин улар билан ишлаш Ба-ҳодирга малол келмайди.

— Ўқувчиларнинг баъзил-ари умуман оила шароитини кўрмаган, мурувват ўйларидан қелинган, — дейди Баҳодир. — Оила шароитини кўришсин, ўрганишсин, деб ҳар дам олиш кунлари уларни уйга олиб кетаман. Ҳаммалари ўз фарзандларимдек бўлиб қолишган...

Баҳодир Эшонқуловнинг ўқитувчилик фаолияти ҳақида узоқ сўзлаш мумкин. Қисқаси, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни бажаришдаги фао-лиги, таълимнинг меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришдаги ҳиссаси, тарих, жаҳмиётшунослик, ҳуқуқ фанлари бўйича олиб бораёт-ган изланишлари, долзарб мав-зудеги мақолалари, баркамол авлод, қомил инсон тарбияси-даги болалар спортини ривож-лантиришдаги сай-ҳаракатла-ри мактовга лойиқ. Баҳодир Эшонқуловни ана шу меҳнат-ларининг эътирофи бўлган юк-сақ мукофот — «Шуҳрат» ме-дали билан, уларнинг касб бай-рамлари — Ўқитувчилар ва му-раббийлар куни билан муборак-бод этамиз.

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Дил изҳори

Инсон дунёга келар экан, ота-онаси унинг оқил, доно, зукко, меҳнатсевар бўли-шини чин дилдан истайди. Унинг шу даражага етиши-шини орзу қилиб ўқитади, тарбия беради. Устозим Ис-моил Охундов ҳам дунёга келганлариде ота-оналари шундай тилаклар қилишган бўлса ажаб эмас.

САОДАТ НУРЛАРИН СОЧАСИЗ, УСТОЗ!

Мен 1996 йилдан 2005 йилгача Зангиота тумани Но-дира номли 15-ўрта мактаб-да тахсил олдим. 6-синфга ўтганимда бизга «Ватан туй-ғуси» фанидан бир устоз дарс бера бошладилар. Сочлари оппоқ, кўринишлари мулоийм, юзларидан нур ёғилиб турув-чи бу кишини кўрганимда қалбимда қандайдир илқиклиқ уйғонди. У киши дарс даво-мида ҳар бир ўқувчига алоҳи-да эътибор қилиб, саволга-римизга эринмай жавоб бе-рар эдилар. Дарслари шундай қизиқарли ўтар эдики, гўё сизрлаб қўйгандек кўз узол-мас эдик.

Менинг қизиқишимни се-зиб қолган эканларим, бир кун дародан кейин: «Айиза, қизим, сен қайси фанга қизи-қасан?» деб сўраб қолдилар. Мен «Адабиёт фанини яхши кўраман» дедим. Кейинги дарслардан бирида: «Сен маънавият ўқитувчиси ёки адабиётчи бўлишинг керак» — дедилар. Шундан кейин бу фанга бўлган қизиқишим яна-да ортди.

Саккизинчи синфга ўтга-нимда Зулфия номлидаги Дав-лат мукофотига номзод қилиб кўрсатишди. Буни эшитган ус-тозим хурсанд бўлдилар: «Ўки, қизим, албатта, ўқи, шундагина барча орзуларинг амалга ошади», дедилар.

Айиза АЗИМОВА,
Республика Дизайин коллежи талабаси.


Ўзбекистон тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Либерал-демократик партиясининг Тошкент вилоят кенгаши



халқ таълими хоамларини, устоз ва мураббийларни

1 октябрь — «Ўқитувчилар ва мураббийлар» куни

муносабати билан қизғин муборакбод этади. Айёмингиз қутлуғ бўлсин, муҳтарам устозлар! Сизларга сизат-саломатлик, мустақил Ўзбекистоннинг келажаги бўлган маънавий ва жисмоний баркамол янги авлодни тарбиялаш борасидаги фаолиятингизаа зафарлар ёр бўлсин!



Садриддин СУЯРОВ, «Жаҳон» АА.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

Table with 9 columns representing TV channels: ДУШАНБА 3, СЕШАНБА 4, ЧОРШАНБА 5, ПАЙШАНБА 6, ЖУМА 7, ШАНБА 8, АҚШАНБА 9. Each column lists programs with times and channel logos like Ўзбекистон 1TV, ЁШЛАР, ТШКЕНТ, СПОРТ.

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ! ҲўРАМАТЛИ АҲАЛЛИ ВА ХОРИЖ ИШБИЛАРМОН ТАДБИРКОРЛАР!

Тошкент вилоят ҳудудий танлов комиссияси ҳамда Давлат мулки кўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси Тошкент вилоят ҳудудий танлов комиссияси баённома қарорига мувофиқ объектларни инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан бепул бериш бўйича танлов эълон қилади.

Table with 4 columns: Корхона ва объект номи, Жойлашган жойи (тум. шах.), Ишлаб чиқариш бинолари ва ер майдонларини реструктуризация қилиш ёки тўлиқ мулкый мажмуа тарзида бериш тартиблари, Танлов шартлари.

Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 19-уй. Тел: 132-06-76, 133-67-22, 133-78-75, 133-08-65.

